



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Бюджет-солиқ илмий тадқиқотлар институти

**БЮДЖЕТ СИЁСАТИ ВА БЮДЖЕТЛАРАРО
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЛОЙИХАСИ**

**ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ БЎЙИЧА ВИЛОЯТЛАРДАГИ
МУАММОЛАР ҲАМДА УЛАРНИ ЕЧИШ
БОРАСИДАГИ АҲОЛИНИНГ МУНОСАБАТИНИ ЎРГАНИШ**

**ИЖТИМОЙ СЎРОВ
НАТИЖАЛАРИ**

Тошкент 2023



Мундарижа


1. Респондентларнинг шахси бўйича маълумотлар.....	3
2. Респондентларнинг ҳар йили ўтказилаётган ташаббусли бюджет тадбирларига муносабатлари.....	5
3. Респондентларнинг ташаббусли бюджет лойиҳаларига таклифлари ва “Менинг йўлим” лойиҳасидан хабардорлиги.....	8
4. Хулоса	10

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ илмий тадқиқотлар институти томонидан **Ташаббусли бюджет** бўйича вилоятлардаги муаммолар ҳамда уларни қандай ҳал қилиш борасидаги аҳолининг муносабатини ўрганиш мақсадида онлайн сўров ўтказилди. **Мақсад** - ташаббусли бюджет бўйича вилоятлардаги муаммоларни ўрганиш ва уларни қандай ҳал қилиш борасидаги ечимларга чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Сўров ҳудудлардаги МФЙ телеграм гуруҳларига юборилиб, https://docs.google.com/forms/d/e/1FAIpQLSe6c_QcGo4TJG45QVrPj7m-btASiQLhc4-nGdcilCikha9JPw/viewform?usp=sf_link интернет ҳаволаси орқали ўтказилди. 2022 йил декабрь, 2023 йил январь ойларида ўтказилган онлайн сўровда мамлакатимизнинг ҳудудлари аҳолисининг **301 нафари** иштирок этди.


1. Респондентларнинг шахси бўйича маълумотлар

Сўровда 16 ёшдан бошлаб то 60 ёшдан катта респондентлар иштирок этди. Анкетани тўлдиришда энг фаол 25 ёшдан 45 ёшгача бўлган фуқаролар 65,4 фоиз ва 16 ёшдан 25 ёшгача 24,3 фоизни ташкил қилди. Сўровда қатнашганларнинг 72,7 фоизини эркеклар, 27,3 фоизини аёллар ташкил этади.



1-расм. Сўров иштирокчиларининг ёш бўйича тақсимооти.


Респондентларнинг 53,2 фоизи олий, 31,9 фоизи ўрта махсус, 14,6 фоизи умумий ўрта, 0,3 фоизи - тугалланмаган ўрта маълумотга эга.



2-расм. *Респондентларнинг маълумоти бўйича тақсимооти.*


Респондентларнинг бундай таркибини олий маълумотли кишилар орасида интернетдан фойдаланиш имконияти нисбатан юқорилиги ва ёшларнинг ижтимоий тармоқлардаги табиий фаоллиги билан изоҳлаш мумкин.

Сўров иштирокчилари сони бўйича энг фаол ҳудудлар **Тошкент вилояти** 20,5% ва **Қашқадарё вилояти** 19,5% бўлди.



3-расм. *Сўров иштирокчиларининг сони бўйича энг фаол ҳудудлар бўйича тақсимооти.*


Қайд этиш жоизки, респондентларнинг 41,1 фоизи давлат ташкилотларида меҳнат қилаётганлар, 7,3 фоизи пенсионерлар ва талабалар, 23,8 фоизи ишсиз ёки вақтинча ишсизлар, 12,6 фоизи хусусий корхоналарда меҳнат қилаётганлардир.



4-расм. Респондентларнинг меҳнат фаолияти бўйича тақсимооти.

2. Респондентларнинг ҳар йили ўтказилаётган ташаббусли бюджет тадбирларига муносабатлари

“Ҳар йили ўтказилаётган ташаббусли бюджет тадбирларидан хабарингиз борми?” деган саволга респондентларнинг 42,9 фоизи “ҳа, эшитганман”, 23,8 фоизи – “йўқ, эшитмаганман”, 33,3 фоизи “қатнашганман” деб жавоб берган.



5-расм. Сўров иштирокчиларининг ҳар йили ўтказилаётган ташаббусли бюджет тадбирларидан хабардорлиги бўйича тақсимооти.

“Open budget сайти ишлашидан мамнунмисиз?” деган саволга респондентларнинг 48 фоизи “ҳа, мамнунман”, 21,2 фоизи – “йўқ, қотиб ишлайди”, 30,8 фоизи “сайтни такомиллаштириш керак” деб жавоб берган.

“Сизнинг фикрингизча, овоз тўплаш жараёнида ҳар хил акция ва сим-карта сотиб олиш жараёнларига муносабатингиз?” деган саволга респондентларнинг 52,8 фоизи “қўшилмайман, ҳалол бўлиши керак”, 21,9 фоизи “битта одамга олинган сим-карталар битта овозга эга бўлиши керак”, 22,8 фоизи “овоз бераётган шахс фақат ўз ҳудуди учун овоз бера олиши керак” деб жавоб берган.

Мактаб инфратузилмалари (*синфхона жиҳозлари, лаборатория хоналари, спорт заллари ва бошқалар*)ни яхшилаш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришда – “**Мактаб ташаббусли бюджетини** шакллантирилишига муносабатингиз?” деган саволга респондентларнинг 84,8 фоизи “қўшиламан, яхши бўлар эди”, 15,2 фоизи “шарт эмас” деб жавоб берган.

“**Жаҳон амалиётидан** келиб чиқиб, аҳолининг қўшимча ижтимоий соҳадаги йўналишларига ташаббусли бюджетнинг **70% дан кўп** маблағлари молиялаштирилиши тўғри деб ҳисоблайсизми?” деган саволга респондентларнинг 75,8 фоизи “ҳа, тўғри”, 24,2 фоизи “йўқ, қўшилмайман” деб жавоб берган.

“**Ташаббусли бюджет** тадбирларида голиб бўлиб, амалга оширилган айрим таклифлар, мисол учун чим қопламали спорт майдончалари, маҳаллаларда ўрнатилган симёғочларнинг сифати назоратини қандай баҳолайсиз?” деган саволга респондентларнинг 30,1 фоизи “сифатини назорат қилиш маҳалла қўмитаси зиммасида бўлиши лозим”, 7,9 фоизи “самарали эксплуатация қилинишини ташкил этиш лозим”, 20,2 фоизи “ёмон, юзаки қилинмоқда”, 14,2 фоизи “ўртача қилинмоқда”, 7 фоизи “яхши қилинмоқда” деб жавоб берган.



6-расм. Респондентларнинг ташаббусли бюджет тадбирларида голиб бўлиб, амалга оширилган таклифлар сифати назорати бўйича баҳолаш тақсими.

“Бюджет ташкилотлари ходимларининг (мактаб, болалар боғчаси, оилавий поликлиника ходимларини) ташаббусли бюджет тадбирларида овоз йиғиш жараёнларига мажбурий жалб қилиниши кузатилдими?” деган саволга респондентларнинг 35,7 фоизи “иштирок этиш ихтиёрий бўлди”, 31,2 фоизи “ҳа, кузатилди”, 33,1 фоизи “йўқ, кузатилмади” деб жавоб берган.

“Овоз бериш муддатини камайтириш керакми?” деган саволга респондентларнинг 44,6 фоизи “йўқ, 20 кун етарли”, 32,4 фоизи “ҳа, чунки, овоз йиғишга 10 кун ҳам етади”, 23 фоизи “овоз бериш муддатини узайтириш керак” деб жавоб берган.

“Сизнинг ҳудудингизда ҳокимият томонидан таклифни ўтказишга қаратилган аралашув мавжудми?” деган саволга респондентларнинг 60,2 фоизи “унақа ҳолат бўлгани йўқ”, 21,2 фоизи “тоҳ-гоҳида учраб туради”, 19,6 фоизи “ҳа, кузатилмоқда” деб жавоб берган.

“**Open budget** порталининг мобил версиясини яхшилаш керакми?” деган саволга респондентларнинг 47,2 фоизи “портални соддалаштириш керак”, 36,8 фоизи “ҳа, порталга лойиҳаларни жойлаштириш қийин бўлмоқда”, 16 фоизи “йўқ, шарт эмас” деб жавоб берган.

“Кўп жойларда онлайн овоз бериш имконияти мавжуд бўлмаганлиги учун овоз беришнинг бошқа муқобил вариантини топиш керакми?” деган саволга респондентларнинг 41,3 фоизи “ҳа, топиш керак”, 30,9 фоизи “қисқа рақамларга СМС жўнатиш орқали овоз беришни йўлга қўйиш керак, шунда интернет билан боғлиқ муаммога дуч келинмайди”, 20,1 фоизи “интернет тезлигини ошириш зарур”, 3 фоизи “йўқ, шарт эмас”, 4,7 фоизи “овоз беришнинг туман молия бўлимига бориб овоз беришни такомиллаштириш керак” деб жавоб берган.

“СМС ни амал қилиш муддатини узайтириш керак деб ўйлайсизми?” деган саволга респондентларнинг 62,5 фоизи “ҳа, 5 минут қилиш керак”, 37,5 фоизи “йўқ, шарт эмас” деб жавоб берган.

“Ҳар бир маҳалладаги фуқароларнинг сонига қараб, ғолиб деб топиладиган овоз миқдори белгиланишига қандай қарайсиз?” деган саволга респондентларнинг 71 фоизи “қўшиламан, шунда адолатли бўлади, чунки айрим маҳаллаларда аҳоли сони 2000 дан кам”, 12,6 фоизи “йўқ, белгиланган овозлар миқдори (2000 та) нормал ҳолатда”, 16,4 фоизи “белгиланган овозлар (2000 та) миқдорини камайтириш керак” деб жавоб берган.


“Телеграм Бот орқали овоз беришга қандай қарайсиз?” деган саволга респондентларнинг 48,7 фоизи “қўшиламан, чунки сайт яхши ишламаяпти”, 26,8 фоизи “менга фарқи йўқ”, 24,5 фоизи “йўқ, шарт эмас” деб жавоб берган.

“Сизнинг ҳудудингизда овоз йиғишда нима асосий муаммо бўлмоқда?” деган саволга респондентларнинг 38,7 фоизи “интернет тезлигининг пастлиги”, 35,6 фоизи “ҳудуддаги аҳолининг овоз бериш тўғрисида тушунчаси яхши эмаслиги”, 25,7 фоизи “портал яхши ишламаслиги”ни муаммо деб асослаган.

3. Респондентларнинг ташаббусли бюджет лойиҳаларига таклифлари ва “Менинг йўлим” лойиҳасидан хабардорлиги

“Қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш учун ташаббусли бюджет лойиҳалари доирасида яна қўшимча қандай лойиҳалар молиялаштирилишини маъқул деб ўйлайсиз? (мисол учун: футбол майдончаларини, истироҳат боғларини, ҳудудларда Наврўз байрамини ўтказиш учун жойларни қуришга)” деган саволга респондентлар **тиббиёт муассасалари, футбол майдончаси, болалар ўйингоҳини қуриш, ичимлик сувлари ўтказиш, байрам тадбирларини ўтказишга мўлжалланган биноларни қуриш** лойиҳа таклифларини киритишган.


“Очиқ бюджет ахборот порталида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасидан ташқари “Менинг йўлим” лойиҳаси мавжудлигидан хабарингиз борми?” деган саволга респондентларнинг 45,7 фоизи “йўқ, эшитмаганман”, 39,4 фоизи “ҳа, эшитганман”, 14,9 фоизи “ҳа, эшитганман, иштирок ҳам этганман” деб жавоб берган.



7-расм. Сўров иштирокчиларининг Очиқ бюджет ахборот порталида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасидан ташқари “Менинг йўлим” лойиҳаси мавжудлигидан хабардорлиги бўйича тақсимот.

“Ташаббусли бюджет лойиҳасида таклиф киритиш ва овоз бериш жараёнлари доирасида фуқароларнинг ҳудудий ҳуқуқларини чеклашга қандай қарайсиз?” деган саволга респондентларнинг 56,1 фоизи “тўғри, тегишли ҳудуддан расмий тарзда рўйхатдан ўтган фуқароларгина ўша ҳудуддаги муаммога таклиф киритиши ва овоз бериши лозим”, 43,9 фоизи “нотўғри, қайси ҳудудда яшашидан қатъий назар, Ўзбекистон фуқароси, республиканинг исталган ҳудудида жойлашган ижтимоий муаммони киритиши ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиши лозим” деб жавоб берган.



“Сизнингча, овоз бериш жараёни қай тартибда амалга оширилиши лозим?” деган саволга респондентларнинг 12,6 фоизи “МФЙ аҳоли сонидан келиб чиқиб, фоизлашган ҳолда, яъни ҳар бир таклиф ғолиб деб топилиши учун МФЙ аҳоли сонини маълум бир қисмини (фоизини) жалб қилиш усули”, 32,1 фоизи “амалдаги тартиб бўйича овоз бериш усули”, 28,5 фоизи “овоз бериш жараёнида МФЙ аҳоли сонидан келиб чиқиб махсус коэффициент қўллаш керак” деб жавоб берган.




- Амалдаги тартиб бўйича овоз бериш усули
- Маҳалла аҳоли сонидан келиб чиқиб, фоизлашган ҳолда, яъни ҳар бир та...
- Овоз бериш жараёнида маҳалла аҳоли сонидан келиб чиқиб махсус к...
- МФЙ аҳоли сонидан келиб чиқиб, фоизлашган ҳолда, яъни ҳар бир та...
- Овоз бериш жараёнида МФЙ аҳоли сонидан келиб чиқиб махсус коэфф...

8-расм. Респондентларнинг овоз бериш жараёни қай тартибда амалга оширилиши бўйича тақсимоти.

Сўров иштирокчиларининг 50 фоизидан кўпининг ишончи комилки, бу сайй-ҳаракатлар жамият ҳаётида яна бир бор ижобий таъсир кўрсатади. Қуйида респондентларнинг онлайн сўровга билдирилган муносабатларининг мисоллари келтирилган.





9-расм. Респондентларнинг ўтказилган онлайн сўров бўйича муносабати.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, сўров иштирокчиларининг Очик бюджет ахборот порталида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасидан ташқари “Менинг йўлим” лойиҳаси мавжудлигидан 39,4 фоизи хабардорлиги, улардан 14,9 фоизи ушбу лойиҳада иштирок этганлиги жуда кичик кўрсаткичдир. Шунингдек, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш учун ташаббусли бюджет лойиҳалари доирасида яна қўшимча кўплаб лойиҳалар молиялаштирилиш керак эканлиги респондентларнинг жавобларидан маълум бўлди.

Мазкур тадқиқот ташаббусли бюджет бўйича вилоятлардаги муаммолар ҳамда уларни қандай ҳал қилиш борасидаги ечимларни кўрсатади. Келгусида мазкур камчиликларга барҳам беришга комплекс ёндашиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўришни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Бу чора-тадбирлар каторига қуйидагилар киради:

- чекка ҳудудларда интернет тизимини яхшилаш;
- қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш учун ташаббусли бюджет лойиҳалари доирасида яна қўшимча лойиҳаларни молиялаштирилиши;
- ҳар бир маҳалладаги фуқароларнинг сонига қараб, ғолиб деб топиладиган овоз миқдори белгиланиши;
- **Жаҳон амалиётидан** келиб чиқиб, аҳолининг қўшимча ижтимоий соҳадаги йўналишларига ташаббусли бюджетнинг 70% дан кўп маблағлари молиялаштирилиши;
- **“Мактаб ташаббусли бюджети”**ни шакллантирилишидир.



Муаллифлар: **Д.Пулатов** – директор биринчи ўринбосари

Б.Кобиров – лойиҳа раҳбари ўринбосари

Ғ.Анваров – 1-тоифали мутахассис

Дизайнер: **Р.Нормурадов**



Ўзбекистон, 100052, Дархонтепа кўчаси 7



71) 239 97 46



bsti@exat.uz